



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 30 » октябрь

№ 677

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юримдик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юримдик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, касб-хунар маълумотига эга малакали мутахассислар, рақобатбардош юримдик кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юримдик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юримдик техникумлари (кейинги ўринларда – юримдик техникум) фаолияти янада такомиллаштирилганлиги, шу жумладан, мазкур Фармоннинг:

а) 3-бандига мувофиқ юримдик кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантириш тартиби жорий этилганлиги;

б) 15-бандига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юримдик техникумларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилиб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий этилиши;

в) 17-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юримдик техникумлар тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, юримдик техникумларга тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари ва ўқиш қийматини тасдиқлаш, юримдик техникумларда ўқиш муддатлари ва шаклини белгилаш ҳамда уларнинг ходимлари иш ҳақи тизими ва тартибини белгилаш ваколатлари берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга хужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб юридик техникумларга хужжатларни қабул қилиш давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади;

Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ҳамда республика олий таълим муассасаларида “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, унда тўплаш мумкин бўлган умумий баллнинг 60 ва ундан юқори фоизини тўплаб, ўқишга тавсия этилмаган абитуриентлар юридик техникумларга кириш имтиҳонларисиз, тўлов-контракт асосида қабул параметрларидан ташқари қабул қилинади;

юридик техникумларда ўқув юклагаси ҳажми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади;

юридик техникумларда педагог ходимларнинг шахсий иш режасидаги тадбирлар рўйхати ва уларнинг минимал соатлари ТДЮУ томонидан тасдиқланади;

юридик техникумлар педагог ва раҳбар ходимларининг хорижий давлатлар таълим муассасаларида стажировка ўташлари улар томонидан қонун хужжатларига мувофиқ малакасини оширишга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари – юридик техникум директорларига алоҳида меҳнат шароитлари учун юридик техникумнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан уларнинг тегишли ҳудудий адлия органидаги лавозим маошларига нисбатан 100 фоизгача бўлган устама тўланиши мумкин;

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низомнинг амал қилиши, кредитларни бакалаврият талабалари учун белгиланган шартларда ажратиш орқали, юридик техникум ўқувчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) қўшма таълим дастурлари ва қўшма факультетлар ҳамда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этиладиган олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурларига абитуриентларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларини аттестациядан ўтказиш тартиби ва қоидалари ТДЮУ томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда белгиланади;

б) қўшма таълим дастурлари ва қўшма факультетлар ҳамда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этиладиган олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурларидаги ўқув жараёни тўлов-контракт асосида хорижий ҳамкорларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ТДЮУ томонидан тасдиқланган шакл, ўқув режа ва ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади;

в) қўшма таълим дастурлари ва қўшма факультетлар ҳамда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этиладиган олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурларида ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори ТДЮУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда белгиланади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари – юридик техникум директорларига бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган) маблағлар ҳисобидан:

хорижий мутахассисларни ўқитувчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

юридик техникум ходимларини хорижий таълим муассасалари, илмий ва бошқа ташкилотларда стажировка ўташ ҳамда малака оширишга юбориш ҳуқуқи берилди;

д) ТДЮУ ва юридик техникумларда автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити, нормативлари ва уларга хизмат кўрсатиш талаблари тегишлича ТДЮУ ва юридик техникумлар томонидан мустақил белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

юридик техникумлар уставлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

юридик техникумларнинг штат жадваллари ва харажатлар сметалари;

таълим беришнинг кредит-модуль тизими шароитида педагог ходимларнинг таркиби меҳнатини меъёрлаштириш, иш вақтини фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда амалга ошириш, шунингдек педагог ходимлар томонидан ўқув-методик, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантиришни назарда тутувчи педагог ходимларнинг шахсий иш режасидаги тадбирлар рўйхати ва уларнинг минимал соатларини (сарфланадиган вақт меъёрларини) ТДЮУ томонидан тасдиқланишини;

юридик техникумларда бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбати нормативлари ва юридик техникумларда ўқув юклама ҳажми, шунингдек ТЮДУ томонидан юридик техникумларда педагог ходимларнинг шахсий иш режасидаги тадбирлар рўйхати ва уларнинг минимал соатларини тасдиқланишини;

б) уч ой муддатда юридик техникумларда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимини қўллаган ҳолда ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар юридик техникумларга ўқишга кириш учун ҳужжатларни ЯИДХП орқали қабул қилиш бўйича давлат хизматлари жорий этилишини таъминласин.

7. Юридик техникумларда ўқув-методик жараённи сифатли мувофиқлаштиришни таъминлаш, уларга амалий ва ахборот-ресурс жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ТДЮУга 1 та микроавтобус ва 2 та навбатчи хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин. Бунда, автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар ТДЮУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумларига (кейинги ўринларда – юримдик техникумлар) кундузги, сиртқи, масофавий ва кечки таълим шакллари бўйича ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини юримдик техникумларга ўқишга қабул қилиш:

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) қарори билан тасдиқланган давлат буюртмаси (давлат гранти) параметрларига;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Адлия вазирлиги) томонидан тасдиқланадиган тўлов-контракт асосида қабул параметрларига мувофиқ кириш синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

3. Кириш синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Кейинги ўринлардаги абитуриентлар тўплаган рейтинг баллари асосида белгиланган тўлов-контракт параметрлари доирасида ўқишга қабул қилинади.

4. Кириш синовларидан муваффақиятли ўтган кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар, “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари, I гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз абитуриентлар қўшимча қабул параметрлари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Ушбу тоифадаги абитуриентлар учун қўшимча қабул параметрлари юримдик техникумлар учун ажратилган умумий қабул параметрлари (давлат гранти ва тўлов-контракт асосида)нинг 2 фоизи доирасида Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Тошкент давлат юримдик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ва жорий йилда юримдик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун республика олий таълим муассасаларининг “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, унда тўплаш мумкин бўлган умумий баллнинг 60 ва ундан юқори фоизини тўплаб, ўқишга тавсия

этилмаган абитуриентлар кириш имтиҳонларисиз юридик техникумларга қабул параметрларидан ташқари тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

6. Юридик техникумларга кириш синовлари, қоида тариқасида, 25–30 август кунлари қуйидаги шаклда ўтказилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – тест синовлари;

хорижий фуқаролар учун – оғзаки суҳбат;

кўзи ожизлар учун – танлов асосида.

Тест синовларини ўтказишнинг аниқ саналари Адлия вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда белгиланади.

Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тест синовларини ўтказиш муддатига ўзгартириш киритилиши мумкин.

7. Юридик техникумларга қабул қилиш учун кириш синовлари ўқувчи таълим оладиган тилда топширилади. Бунда ўзбек гуруҳларига ҳужжат топширган абитуриентлар юридик техникумларга ҳужжатларни қабул қилиш ҳақидаги аризада акс эттирилган ўз ихтиёрига кўра танловдан ўзбек тилида лотин ёки кирилл алифбосида ўтиш ҳуқуқига эга.

Юридик техникумларда ўқитиш тили абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинишига қадар Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Кириш синовлари таълим шакли, мутахассислик ва касблар ҳамда ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади.

8. Юридик техникумларга ўқишга қабул қилишни ташкил этиш, шу жумладан абитуриентларга маслаҳат хизматлари кўрсатиш тегишли ўқув йили учун Адлия вазирлиги томонидан ташкил этиладиган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

9. Қабул комиссияси, қоида тариқасида, ҳар йили 1 июндан кечикмай ташкил этилади. Қабул комиссияси раиси ва масъул котиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан, қабул комиссиясининг қолган аъзолари эса – юридик техникум директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Юридик техникум директори лавозими бўйича қабул комиссияси раиси ҳисобланади. Қабул комиссиясининг жорий ишлари масъул котиб томонидан амалга оширилади.

10. Абитуриентларни юридик техникумларга ўқишга қабул қилишни ташкил этиш ушбу Низомнинг I-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

11. Қабул комиссияси, қоида тариқасида, ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан бир ой олдин юридик техникумларга қабул қилиш муддатлари, мутахассислик ва касблар номлари ҳамда қабул параметрлари

ҳақидаги ахборотни юридик техникум, шунингдек тегишли ҳудудий адлия органлари расмий веб-сайтларида эълон қилади.

12. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари юридик техникумларга ўқишга кириш учун 1 августдан 20 августгача (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тегишли ҳужжатларни топширади.

Бунда, Адлия вазирлиги тест синовларини ўтказиш муддатининг ўзгариши муносабати билан абитуриентлар электрон шаклда тегишли ҳужжатларни топшириш муддатларига ўзгартириш киритишга ҳақли.

13. Хорижий фуқаролар юридик техникумларга ўқишга кириш учун 15 мартдан 15 августгача (шу куни ҳам) Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул комиссиясига юридик техникум директори номига ариза ҳамда қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этган ҳолда рўйхатдан ўтади:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

ўрта ёки ўрта-махсус, профессионал маълумот тўғрисидаги ҳужжат.

Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги томонидан мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган ҳужжатларни қабул қилиш муддатига ўзгартириш киритилиши мумкин.

14. Рўйхатдан ўтишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян тақиқланади.

15. Рўйхатга олинган абитуриентлар сони ҳақидаги кунлик маълумотлар мутахассислик ва касблар, таълим шакли ва тили кесимида қабул комиссияси томонидан юридик техникумнинг ҳамда Давлат тест маркази расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади.

16. Абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги ёки сохталиги аниқланса, у ҳолда абитуриент тест синовларидан (юридик техникумдан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли чоралар кўриш учун юборилади.

17. Абитуриент ўз рухсатномасини ҳужжатлар қабул қилиш тугаганидан кейин бир ҳафта мобайнида Давлат тест маркази расмий веб-сайтидан электрон шаклда олади.

3-боб. Кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби

18. Кириш имтиҳонлари ўтказилишига қадар қабул комиссияси томонидан маслаҳатлар ташкил этилиши мумкин. Маслаҳатлар жадвали

қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва юридик техникум директори томонидан тасдиқланади.

19. Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Тест синовлари учун саволлар умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта махсус, бошланғич профессионал таълим дастурлари умумтаълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан шакллантирилади.

20. Юридик техникумларга қабул қилиш учун тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш мазкур Низомга 2-иловада келтирилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

21. Тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, тест топшириқлари сони ТДЮУ бакалавриятига кириш учун белгиланган талабларга мувофиқ аниқланади.

22. Юридик техникумларга хорижий фуқароларни ва кўзи ожиз фуқароларни қабул қилиш тегишлича мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларда келтирилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

23. Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи B1 ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар чет тили фани бўйича тест синовлари ўтказилган ҳолларда, ушбу фан бўйича тест синовини топширишдан озод қилинадилар ва уларга шу фан доирасида абитуриент олиши мумкин бўлган қуйидаги тартибда максимал балл қўшилади:

инглиз тили учун – миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5,0), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 86), Cambridge Assessment English, PET Preliminary халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

япон тили учун – миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT №3) халқаро имтиҳон тизими бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

немис тили учун – миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

француз тили учун – миллий сертификат ёки Diplome d'Etudes en Language Francaise (DEL F B1) халқаро имтиҳон тизими бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори.

24. Кириш имтиҳонларига киритилган барча фанлар йиғиндиси бўйича 56 ва ундан кам баллни тўплаган, шунингдек белгиланган вақтда имтиҳонларга етиб келмаган абитуриентлар юридик техникумларга қабул қилинмайди.

25. Абитуриентларнинг тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

26. Тест синовларининг натижалари Давлат тест марказининг қайдномасига киритилади.

Танлов ва суҳбат натижалари юридик техникумларнинг қайдномасига киритилади.

Қайдномада абитуриентлар рўйхати таълим шакли, ҳар бир мутахассислик ва касб бўйича тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

Кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар, “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари, шунингдек I гуруҳ ногиронлиги бўлган абитуриентлар тест синовлари натижалари қайдномалари алоҳида шакллантирилади.

27. Абитуриентнинг кириш имтиҳони натижаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тартибларнинг бузилиши аниқланганда, имтиҳон натижалари бекор қилинади, абитуриент ўқишга қабул қилинган бўлса, у юридик техникум ўқувчилари сафидан четлаштирилади.

28. Юридик техникумларга қабул қилиш учун кириш синовларини қайта ўтказиш тақиқланади.

29. Тест синовлари натижаси бўйича қайдномалар Давлат тест марказининг директори томонидан тасдиқланиб, танлов асосида ўқувчиликка тавсия этилгани ёки этилмаганлиги тўғрисидаги маълумот тўлиқ акс эттирилган ҳолда, Адлия вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Юридик техникумларнинг қайдномалари юридик техникум директори томонидан тасдиқланади.

Танлов юридик техникумлар томонидан ўтказилади ва танлов қайдномалари мазкур Низомнинг 26-банди асосида кириш имтиҳонлари тўлиқ яқунлангандан кейин 3 кун муддатда абитуриентларни юридик техникумга қабул қилиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Абитуриентларнинг танлов асосида ўқувчиликка тавсия этилгани ёки этилмаганлиги тўғрисидаги маълумот тест синовлари тўлиқ яқунланиб, Адлия вазирлиги қарори қабул қилингандан сўнг эълон қилинади.

4-боб. Кириш имтиҳонлари натижаси бўйича берилган апелляцияларни кўриб чиқиш

30. Кириш имтиҳонлари натижалари юзасидан абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссиялари:

тест синовлари натижалари юзасидан – Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат тест маркази томонидан;

кўзи ожиз абитуриентлар учун танлов натижаларини кўриб чиқиш бўйича – юридик техникум директорининг буйруғи билан ташкил этилади.

31. Апелляция комиссияси таркибига тегишли фанлар бўйича экспертлар ҳамда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили (шикоят кўзи ожиз абитуриент томонидан берилганда) киритилади.

Зарур ҳолларда, апелляцияни кўриб чиқиш жараёнига тегишли масалалар бўйича Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари жалб қилиниши мумкин.

32. Апелляция комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади, умумий раҳбарликни раис амалга оширади, апелляция комиссияси баённомалари котиб томонидан расмийлаштирилади.

33. Кириш имтиҳонлари натижасидан норози бўлган абитуриент апелляция комиссиясига кириш имтиҳонлари натижаси эълон қилингандан бошлаб бир ҳафта муддатда ёзма тартибда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга. Апелляция шикоятига абитуриент паспорти (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат) ва рухсатномаси нусхалари (тест синовлари топширилганда) илова қилинади.

34. Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляция шикоятини улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади. Апелляция шикояти кўриб чиқилмаган кун ҳақида абитуриентга хабарнома берилади.

35. Тест синовлари натижаси бўйича апелляция шикояти берилганда абитуриентнинг жавоблар варақаси, тест топшириқлари китоби Давлат тест марказига белгиланган тартибда етказилмаган, йиртилган бўлса, шунингдек тест синовларидан четлаштирилган бўлса апелляция шикояти кўриб чиқилмайди.

36. Апелляция берган абитуриент хабарномада белгиланган вақтда апелляция комиссиясига ўзининг паспорти (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат) билан келиши шарт.

37. Апелляция шикояти кўрилатган абитуриентга унинг жавоблар варақаси нусхаси (кўз ожизлар учун танлов материаллари), хато ва тўғри бажарилган тест топшириқлари тўғрисида маълумот ҳамда тест синовларида абитуриентга тақдим этилган тест топшириқлари китоби берилади.

Абитуриент ўзининг эътирозларини ёзиб, унга берилган тест материаллари билан бирга Апелляция комиссиясига топширади.

38. Апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан фақат абитуриент иштирокида, унинг ёзма жавоблари асосида кўриб чиқилади.

39. Апелляция комиссияси абитуриентнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижасида қуйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асосиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва кириш синовлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, кириш синови натижаларига ўзгартириш киритиш бўйича Адлия вазирлигига таклиф киритиш.

40. Абитуриент Апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш

41. Адлия вазирлигининг абитуриентларни юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарори, қоида тариқасида, 2 сентябрдан кечикмасдан қабул қилинади.

42. Адлия вазирлигининг қарорига мувофиқ абитуриентларни давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича юридик техникум директори 5 иш куни ичида буйруқни расмийлаштиради.

43. Қабул Адлия вазирлиги томонидан:

а) қабул параметрлари доирасида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида;

б) қабул параметрларидан ташқари амалга оширилади.

Бунда қабул параметрларидан ташқари:

давлат гранти асосида – кам таъминланган оилалар аъзолари, “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари, I гуруҳ ногиронлиги, шу жумладан кўзи ожиз бўлган шахслардан иборат абитуриентлар;

тўлов-контракт асосида – ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ва жорий йилда юридик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, унда тўплаш мумкин бўлган умумий баллнинг 60 фоиз ва ундан юқори балл тўплаб, ўқишга тавсия этилмаган абитуриентлар ҳамда хорижий фуқаролар қабул қилинади.

Адлия вазирлигининг қарори кам таъминланган оила аъзолари, “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари, I гуруҳ ногиронлиги, шу жумладан кўзи ожиз бўлган шахслардан иборат абитуриентларни 5 сентябргача ўқишга қабул қилиш тўғрисида юридик техникум директорининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

44. Адлия вазирлиги томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин юридик техникумлар билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида

белгиланган тартибда контрактлар тузилади. Тўлов-контракт асосида ўқиш учун тўлов миқдори ва муддати Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари Адлия вазирлиги қарори қабул қилинган кундан бошлаб берилади ҳамда юридик техникум директори ва бош бухгалтери имзоси билан расмийлаштирилади (юридик шахслар учун – 3 нусхада, жисмоний шахслар учун – 2 нусхада).

Адлия вазирлиги томонидан юридик техникумда ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан контракт тўлови тўлангандан сўнг юридик техникум директорининг буйруғи билан 15 сентябрдан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Ушбу абитуриентларга 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади. Адлия вазирлиги томонидан юридик техникумларнинг таклифларига биноан, контракт асосида ўқишга ҳақ тўлаш муддатлари ўзгартирилиши, шу жумладан узайтирилиши мумкин.

45. Юридик техникумларнинг таклифларига биноан, уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, тест синовлари натижаларига кўра қабул қилинмаган абитуриентлар Адлия вазирлигининг қарори билан қўшимча равишда табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул қилиниши мумкин.

Юридик техникумлар қўшимча қабул бўйича таклифларни Адлия вазирлигига тасдиқлаш учун 25 сентябргача тақдим этади. Адлия вазирлиги юридик техникумларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, 30 сентябргача қўшимча қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бунда:

абитуриентлар 20 сентябргача қўшимча ўқишга кириш учун ариза билан юридик техникумга мурожаат қилади;

қабул тест синовлари натижаларига кўра, тўплаган баллар кетма-кетлигига мувофиқ амалга оширилади;

юқори балл тўплаган абитуриент қўшимча қабул қилиш учун ариза билан белгиланган муддат ичида мурожаат этмаса ёки қўшимча қабул қилишни рад этса, рейтинги бўйича навбатда турган ўқувчи қабул қилинади;

табақалаштирилган контракт миқдори ўқишнинг биринчи ўқув йилида қўлланилади.

46. Юридик техникумга тест синовлари натижасида қабул қилинмаган ва республика олий таълим муассасаларига “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича ўқишга кира олмаган, лекин тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллдан 60 фоиз ва ундан юқори балл тўплаган абитуриентлар

табақалашган тўлов-контракт асосида доимий яшаш жойидаги юридик техникумга қабул қилинишлари мумкин.

Ушбу абитуриентлар доимий яшаш жойидаги юридик техникумларга 20 сентябргача мурожаат қилади. Мурожаатлар асосида юридик техникумлар 25 сентябргача Адлия вазирлигига тасдиқлаш учун абитуриентларни қабул қилиш бўйича таклиф тақдим этадилар.

Адлия вазирлиги юридик техникумларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, 30 сентябргача уларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда ушбу абитуриентлар танловсиз, олий таълим муассасаларидаги тест натижаларига кўра баллар кетма-кетлиги асосида қабул қилинади.

Мазкур тоифадаги абитуриентларни юридик техникумга қабул қилиш бўйича мурожаат қилиш ва ўқишга қабул қилиш бўйича муддатларига Адлия вазирлиги томонидан зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

47. Адлия вазирлиги томонидан юридик техникумларга қўшимча ўқишга кириш учун тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили шартнома шартларида белгиланган муддатда, бироқ Адлия вазирлиги томонидан белгиланган муддатдан кечиктирмай тўланади. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш ўқиш учун контрактда белгиланган пул маблағларини жисмоний ёки юридик шахслар томонидан 10 октябрдан кечиктирмай тўлаганларидан сўнг юридик техникум директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ушбу абитуриентлар билан контракт тузилган кундан бошлаб ўқув машғулотларига қатнашишга рухсат бериш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади. Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул бўйича ўқитиш харажатларининг миқдори Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Юридик техникумларнинг асосланган таклифига биноан, Адлия вазирлиги томонидан фуқароларни ўқиши учун тўлов-контракт миқдори ва контракт асосида ўқишга ҳақ тўлаш муддатлари ўзгартирилиши, шу жумладан узайтирилиши мумкин.

6-боб. Яқуний қоидалар

48. Тест синовлари ва кўзи ожиз абитуриентларнинг танлов натижалари, хорижий фуқаролар билан ўтказилган суҳбат натижаларидан кўчирмалар, шунингдек юридик техникумга тест синовларисиз қабул қилинган абитуриентларнинг ҳужжатлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларига тикиб қўйилади.

Юридик техникумларга қабул қилинмаган абитуриентларнинг тест синовлари (кўзи ожиз абитуриентлар учун танлов) натижалари 6 ой давомида сақланади ва ундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

49. Тест синовлари ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, кўзи ожиз абитуриентлар учун танлов ва хорижий фуқаролар

учун суҳбатни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юридик техникумларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

50. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш
тартиби тўғрисида низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига
ўқишга қабул қилишни ташкил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	<p>Абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилишни ташкиллаштириш</p> <ol style="list-style-type: none">1. Қабулнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш учун қабул комиссиясини тузиш.2. Юридик техникум ва тегишли ҳудудий адлия органи веб-сайтига қабул муддатлари, мутахассислик ва касблар номлари, қабул квоталари ҳақида маълумот жойлаштириш.3. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш учун давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ёки ДТМ веб-сайти орқали рўйхатдан ўтказиш.4. Қабул комиссияси томонидан юридик техникум ва тегишли ҳудудий адлия органи веб-сайтида ўқиш учун топширилган аризалар сони ҳақида кунлик ахборот ва абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналари саволларига жавоб бериш учун телефон алоқасининг ишлаб туришини таъминлаш.	<p>1 июндан кечикмай</p> <p>Қоида тарикасида, ҳужжатларни қабул қилишдан бир ой олдин</p> <p>1 – 20 август</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш даврида</p>
2-босқич	<p>Тест синовларини ўтказиш тайёргарлик кўриш</p> <ol style="list-style-type: none">1. Давлат тест маркази томонидан тест ўтказиш учун мос биноларни тайёрлаш.2. Тест синовларини ўтказиш жадвалини Давлат тест маркази томонидан тасдиқлаш.	<p>Тест синовларини ўтказишдан олдин</p>
3-босқич	<p>Тест синовларини ўтказиш</p> <ol style="list-style-type: none">1. Адлия вазирлиги томонидан белгиланган фанлар блоклари бўйича тест синовларини ўтказиш.2. Тест синовлари натижаларини Давлат тест маркази веб-сайтида эълон қилиш.	<p>25 – 30 август</p> <p>Тест синовлари ўтказилган кундан кейинги иш кунида</p>
	<p>Кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш учун танлов ўтказиш</p> <ol style="list-style-type: none">1. Кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш учун тест синовлари учун белгиланган фанлар бўйича кўп балли ёки тегишли анъанавий беш балли тизим асосида танлов ўтказиш.2. Танлов натижаларини кўзи ожиз абитуриентларга эълон қилиш.	<p>25 – 30 август</p> <p>Танлов ўтказилган кун</p>

4-босқич	<p style="text-align: center;">Тест синовлари натижаларини Адлия вазирлигига юбориш</p> <p>1. Тест синовлари натижаларини Давлат тест маркази директори томонидан тасдиқланадиган танлов қайдномаларига киритиш.</p> <p>2. Кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бўйича танлов натижаларини кўп балли ёхуд тегишли анъанавий беш балли тизим асосида аниқланган ва юридик техникум директори томонидан тасдиқланган қайдномаларига киритиш.</p> <p>3. Тест синовлари қайдномалари ва кўзи ожизлар учун танлов натижалари қайдномаларини абитуриентларни юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор чиқариш учун Адлия вазирлигига юбориш.</p>	натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб уч кун давомида
5-босқич	Адлия вазирлиги томонидан абитуриентларни юридик техникумга ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш	қоида тарикасида, 2 сентябрдан кечикмай
6-босқич	<p style="text-align: center;">Ўқишга қабул қилишни расмийлаштириш, тўлов-контракт суммасини тўлаш</p> <p>1. Юридик техникум директори томонидан кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентларни, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларини, I гуруҳ ногиронлиги, шу жумладан кўзи ожиз бўлган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш.</p> <p>2. Абитуриентлар билан ўқиш учун шартнома (контракт)лар тузиш.</p> <p>3. Абитуриентлар томонидан ўқиш учун тўловларни юридик техникумлар ҳисобварағига ўтказиш.</p> <p>4. Юридик техникум директорининг тўлов-контракт асосида ўқувчилар сафига қабул қилиш учун тавсия этилган абитуриентларга ўқув машғулотларида қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғини расмийлаштириш.</p> <p>5. Юридик техникум директорининг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруғини расмийлаштириш.</p>	Адлия вазирлиги қарори қабул қилинганидан кейин 2 сентябрь – 15 сентябрь Адлия вазирлиги томонидан белгиланган муддатда 2 сентябрь контракт суммаси тўлангандан сўнг 15 сентябрдан кечикмай

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш
тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумларига ўқишга қабул қилиш учун кириш
тест синовларини ўтказиш
ТАРТИБИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига (кейинги ўринларда – юридик техникум) ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент – юридик техникумга ўқишга кириш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тест синовларида иштирок этувчи жисмоний шахс;

абитуриент рухсатномаси – паспорт (у бўлмаган ҳолда шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) билан биргаликда абитуриентнинг белгиланган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этишга рухсат берадиган ҳужжат;

Давлат тест маркази вакили – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) директорининг буйруғи билан тайинладиган, тест синовлари ўтказиладиган тегишли бинода белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ҳамда тест синови иштирокчиларининг вазифаларига мувофиқ ҳаракатини назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим;

бино раҳбари – Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан тайинладиган, белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича бинодаги гуруҳ назоратчилари ва абитуриентлар ҳаракатларига умумий раҳбарликни бажарувчи, назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим;

гуруҳ назоратчиси – Давлат тест маркази билан тузилган шартнома асосида шартномада белгиланган вазифа ва мажбурият бўйича тест синовларида абитуриентлар ҳаракатига умумий раҳбарликни амалга ошириш, тест синовининг белгиланган тартиб бўйича ўтишини қатъий назорат қилишга масъул бўлган ва абитуриентларга тест синовини топшириш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жалб қилинган ва тест синовлари ўтказилиши билан боғлиқ семинарда иштирок этган шахс;

тест топшириқлари китоби – белгиланган фанлар мажмуаси бўйича тест топшириқларини ўз ичига олган саволлар тўплами;

жавоблар варақаси – тест топшириқлари китобидаги ҳар бир топшириқнинг бажарилиши натижасида танлаган жавобнинг биттасини белгилашга мўлжалланган ва абитуриентнинг билимини баҳолаш учун асос ҳисобланадиган ягона ҳужжат;

қабул комиссияси – юридик техникумга ўқишга қабул қилишни ташкил этувчи, шу жумладан абитуриентларга маслаҳат хизматлари кўрсатадиган ҳар йили тузиладиган комиссия;

ҳудудий адлия органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

3. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишнинг муддати яқунланганидан сўнг уч кун муддатда абитуриент рухсатномасини Давлат тест марказининг расмий веб-сайтидан олади.

Абитуриент рухсатномасида кўрсатилган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этади.

Абитуриент учун мазкур сана ва вақт қатъий ҳисобланиб, унга бошқа сана ва вақтда тест синовларида иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

4. Абитуриент рўйхатдан ўтган ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ёки Тошкент шаҳрида) ташкил этиладиган тест синовларида иштирок этади.

2-боб. Тест синовларини ўтказишга тайёргарлик кўриш

5. Тест синовлари катта сифимдаги, имтиҳонларнинг юқори даражада очиқлик ва шаффофлигини ҳамда имтиҳон жараёни видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари томонидан реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган биноларда (кейинги ўринларда – бино) ўтказилади.

Бинолар Адлия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда белгиланади.

Биноларни тайёрлаш, кириш тест синовлари жараёнини видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг онлайн тарзда кузатиб боришлари учун шароит яратиш, абитуриентлар шахсини идентификациялаш воситалари ва видеофиксация қурилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга назорат хизмати постлари орқали киритиш ҳамда ҳар бир сменада абитуриентлар ва гуруҳ назоратчиларини етарли миқдорда ичимлик суви, хаворанг пастали шарикли ручкалар билан ҳамда тест синовлари ўтказиладиган биноларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш учун жавобгарлик ҳудудий адлия органлари, қабул комиссияси, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилади.

6. Гуруҳ назоратчилари ва абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга назорат хизмати постлари орқали киритиш, тадбир

жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тест синовлари ўтказиладиган жойларни шахсни идентификациялаш воситалари, видеокузатув ва мобиль алоқа тўлқинини тўсувчи қурилмалар ҳамда тест синовларини ўтказиш жараёнини видео ёзувга олиш воситалари билан таъминлайди.

Тест синовларини ўтказиш жараёни видеотасвирга туширилади. Видеотасвирдан нусха кўчириш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказига видеотасвирни тақдим этади.

8. Тест синовларини ушбу Тартиб талабларига қатъий мувофиқ равишда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъулият бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари, шунингдек, қабул комиссияси зиммасига юкланади.

9. Тест синовларини ўтказиш жадвали Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат тест маркази томонидан тасдиқланади.

10. Бинода тест синовлари жараёнини тўлиқ назорат қилиш мақсадида бино, қоида тариқасида, электрон соат, овоз кучайтириш воситалари, 30 нафар абитуриент учун битта видеокузатув тизими ўрнатилиши, жараёни абитуриентларнинг ота-оналари онлайн тарзда кузатиши учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

11. Бинода Давлат тест марказининг вакилига тест материалларини сақлаш, тарқатиш ва йиғиб олиш учун мўлжалланган етарли миқдорда стол, стуллар, компьютер, сканер, стационар телефон алоқаси, доимий видеокузатув ва сейф билан таъминланган махсус хона (штаб) тайёрланади. Бунда бинонинг ҳолати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

12. Биноларда тест синовларини ўтказиш учун зарур бўлган техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши керак. Бинолар санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

13. Бинода тест синовлар жараёнини тўлиқ назорат қилиш мақсадида, қоида тариқасида, 30 нафар абитуриентдан иборат гуруҳлар ташкил этилади.

Бино ва гуруҳларнинг алоҳида тартиб рақами такрорланмайдиган кетма-кетликда рақамланган бўлиши лозим.

14. Ҳар бир гуруҳ алоҳида ўтириш ўрнига эга бўлган 30 тадан стол ва стул билан таъминланиб, столлар бирдан ўттизгача рақамланиши лозим. Ҳар бир гуруҳга икки нафар назоратчи бириктирилади.

15. Бинода тест синовларини ўтказиш талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари зиммасига юкланади.

16. Бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари Давлат тест маркази директори буйруғи асосида Давлат тест маркази, тегишли ҳудуддаги таълим муассасаларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан иборат бўлган таркибда, уларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда тайинланади.

17. Давлат тест маркази вакили:

бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчиларига умумий раҳбарлик қилади ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатади;

тест синовларининг бошланиши ва тугашини қатъий назорат қилиш, тезкор ахборотларни Давлат тест марказига юбориш, тест синовларини адолатли, холисона ва мазкур Тартибда белгиланган талаблар асосида ўтишини таъминлайди.

18. Давлат тест маркази вакили ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қабул комиссияларига кўрсатма бериш, мазкур Тартиб талабларига амал қилмаган бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини ва абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳамда Давлат тест маркази раҳбарияти билан келишилган ҳолда четлаштирилганлар ўрнига бошқа бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

19. Давлат тест маркази вакили Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан алмаштирилиши мумкин.

3-боб. Тест синовларини ўтказиш

20. Тест синовлари, қоида тариқасида, ҳар йили 20–25 август кунлари оралиғидаги муддатда Давлат тест маркази томонидан, кунига икки сменада ўтказилади. Биринчи смена соат 09:00 да, иккинчи смена соат 15:00 да бошланади.

Тест топшириқларини бажариш учун (жавоблар варақасини тўлдириш билан бирга) ҳар 30 та тест топшириғига 1 соат вақт белгиланади.

21. Тест синовлари ўтказиладиган кунда Давлат тест марказининг рухсатномаси бўлмаган шахсларга тест синовлари ўтказилаётган ҳудудга кириши тақиқланади.

22. Қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган рухсатнома асосида, унда белгиланган кун, тест синовлари ўтказиладиган бино штабида тест синовлари жараёни кузатувчиси сифатида иштирок этади.

23. Абитуриентлар бинога паспорт ва абитуриент рухсати билан тегишли навбат бўйича киритилади. Киришда видеокузатув олиб борилади.

24. Абитуриентлар бинога соат 8.30 гача киритилади. Соат 8.30 дан кейин абитуриентлар бинога киритилмайди.

25. Давлат тест маркази вакили биринчи сменада соат 06:30 дан 07:00 гача, иккинчи сменада соат 13:30 дан 14:00 гача абитуриентларнинг гуруҳлар

бўйича рўйхатини (икки нусхада) ва тест материалларини тарқатади ва қабул қилиш баённомасини расмийлаштиради.

Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари соат 6.00 га етиб келади ва тест синовларини ўтказиш тартибига қатъий риоя қилишни ташкил қилади.

Давлат тест маркази вакили бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчилари ҳамда абитуриентлар рўйхатини, уларнинг рухсатномаларини назорат хизмат постларига етказишни таъминлайди, қуръа ташлаш йўли билан назоратчиларни гуруҳларга тақсимлашни амалга оширади, шунингдек тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомасини расмийлаштиради.

26. Тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога кириш жойларида ташкил этилган назорат хизмати постларида хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан текширув вақтида абитуриент ва гуруҳ назоратчиларида микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар мавжудлиги, шунингдек бармоқ излари ва фотосурати текширилган вақтда шахси тасдиқланмаганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақида Давлат тест марказининг вакилини хабардор қилиниб, уларни тест синовларига киритмаслик тўғрисида далолатнома расмийлаштиради.

27. Бино раҳбари эрталаб соат 06:00 дан 06:30 гача гуруҳ назоратчиларига уларнинг рухсатномаларини тарқатади ва тақсимотини расмийлаштиради ҳамда биринчи сменада соат 06:30 дан 07:00 гача, иккинчи сменада соат 13:30 дан 14:00 гача абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини (икки нусхада) ва тест материалларини тарқатади ва қабул қилиш баённомасини расмийлаштирилишини ташкил этади.

28. Гуруҳ назоратчилари соат 8.30 гача абитуриентларни уларнинг паспортларини гуруҳ рўйхати билан текширган ҳолда бинога киритади. Абитуриентлар рўйхатда кўрсатилган ўринга ўтиради.

Тест синовларини ўтказиш вақтида имтиҳонга келмаган абитуриентлар ўрни бўш қолади.

29. Гуруҳ назоратчилари икки нафар абитуриент гувоҳлигида тест материаллари жойлаштирилган қутилар ва абитуриентлар рўйхати ҳамда жавоб варақалари солинган пакетларнинг муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилиб, уларни очади.

Назоратчилар тест синовлари китоблари ҳамда жавоб варақаларини тартиб билан тарқатади.

30. Гуруҳ назоратчилари тест синовлари бошлангунга қадар номзодларни 30 дақиқа мобайнида жавоблар варақаларини тўлдириш қоидалари билан таништиради ва улар томонидан тегишли бўлимга ўзи тўғрисидаги шахсий маълумотлар киритилади.

31. Бино раҳбари абитуриентларни тест топшириқлари китобининг муқовасида ва жавоблар варақасида кўрсатилган тегишли жойларни расмийлаштириш зарурлиги ҳамда жавоблар варақасини ҳаворанг пастали шарикли ручкадан бошқа рангда фойдаланиб тўлдириш, жавоблар варақасини букиш, маркер чизигига ёзиш, жавоблар варақаси рақами остида жойлашган доирачаларни бўйлаш тест синовларини ўтказиш талабларини бузилиши деб тан олинishi ҳақида огоҳлантиради.

Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари гуруҳ назоратчиларига тест синовлари ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган абитуриентларни четлаштириш бўйича кўрсатма беради.

32. Гуруҳ назоратчиси абитуриент тест топшириқлари китоби нуқсонли эканлиги ҳақида мурожаат қилса, биринчи сменада 09:00 гача, иккинчи сменада 15:00 гача қуйидаги ишларни амалга оширади:

тест синовлари китоби ва жавоб варақаларини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдиради, шунингдек абитуриентлар рўйхати тўлдирилган рўйхатнинг бир нусхасини бино раҳбарига беради;

гуруҳда тест синовларида қатнашмаган абитуриент учун ажратилган тест топшириқлари китобини мурожаат қилган абитуриентга беради;

гуруҳда ортиқча тест топшириқлари китоби бўлмаса, бино раҳбаридан захирадаги шу таълим йўналиши ва тилига мос бўлган тест топшириқлари китобини беришни сўрайди. Бу жараёни далолатнома билан расмийлаштиради.

Абитуриент тест синовига келмаган тақдирда гуруҳ рўйхатига “қатнашмади” деган ёзув киритилади.

Тест топшириқлари китобида нуқсон мавжудлиги аниқланса, унинг биринчи бетига “яроқсиз” деб ёзилади, алмаштирилган вақти кўрсатилади ҳамда абитуриентнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзилиб имзоланади ва ушбу ҳолат ҳақида далолатнома тузилади. Абитуриентга яроқсиз тест синовлари китоби ўрнига янгиси берилади.

33. Абитуриент тест синовлари ўтказиладиган куни бинога тегишли ҳудудга соат 07:00 (иккинчи смена соат 14:00) гача, бинога соат 08:30 (иккинчи смена соат 14:30) гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали тартибли равишда кириши билан биргаликда, биринчи сменада соат 07:30 дан 08:00 гача, иккинчи сменада соат 14:30 дан 15:00 гача қуйидаги ишларни амалга оширишга мажбур:

тест материаллари нуқсонсизлигини текшириш ва нуқсон борлиги аниқланса, дарҳол гуруҳ назоратчисига хабар бериш;

жавоблар варақаси тўғри тўлдирилишини таъминлаш;

тест топшириқлари китоби муқовасида ва жавоблар варақасида кўрсатилган тегишли жойларни расмийлаштириш.

34. Бино раҳбари биринчи сменада 09:00 да, иккинчи сменада 15:00 да тест синовлари бошланганлигини эълон қилади.

35. Жавоблар варақаси абитуриент билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Тест синовларига жавоблар ҳаво ранг пастали шарикли ручкада тўлдирилган бўлиши лозим.

Абитуриент жавоблар варақасини тўғри тўлдирилиши учун шахсан жавобгар бўлади. Жавоблар варақасининг тегишли бўлимларини тўғри тўлдирмаган абитуриентларнинг эътирозлари кўриб чиқилмайди.

36. Абитуриент ўзининг фикрига кўра тўғри бўлган ва тест синовлари китобидаги жавобга мос келадиган жавоблар варақидаги тегишли доирани тўлдиради. Бунда, ҳар бир тест топшириғи бўйича тўғри жавобга – фақат битта доира тўлдирилади.

Агар, жавоблар варақасидаги “белгилаш учун намуна” қоидасига риоя этилмаса, жумладан, битта тест топшириғига жавоблар варақасида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортиқ доирача бўялса ёхуд тўлиқ бўялмаса ушбу тест топшириғига балл берилмайди.

37. Абитуриентларга тест синовлари материалларини бир бирига узатиш ва бошқаларга ёрдам бериш, шунингдек ўзаро гаплашиш тақиқланади.

Абитуриент томонидан уяли телефон ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш ва фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

38. Тест синовига уяли телефон, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини, микрокалькулятор, луғат, китоблар, шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилган ёки олиб кирган, тест синови жараёнида тест синови материалларини бошқага узатган ёки ёрдам берган, тест синови учун ажратилган вақт туганидан кейин тест синови материалларини топширмаган, тест синови материалларини бино ташқарисига олиб чиққан абитуриент тест синови ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади.

39. Тест синовлари давомида абитуриентларга бинодан чиқиш тақиқланади. Ўзбошимчалик билан бинони тарк этган абитуриентлар тест синовлари ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда тест синовлари материалларини бинода қолдириб, кузатув остида бинодан чиқишга руҳсат берилади.

40. Тест синовлари ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган абитуриентлар синовдан четлаштирилади ва бу ҳақда тест синовларидан четлаштириш бўйича бино раҳбари ва гуруҳ назоратчиси томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

41. Тест синовларидан четлаштирилган абитуриентларнинг тест синовлари текширилмайди ва улар имтиҳонда иштирок этмаган ҳисобланади.

42. Бино раҳбари тест синовлари вақти тугаганлигини эълон қилади ва гуруҳ назоратчиларига тест топшириқлари китоби ва жавоблар варақларини йиғишга кўрсатма беради.

43. Тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг абитуриентлар тест материалларини топширади, белгиланган муддатдан олдин жавоб беришни тугатган абитуриентлар, тест материалларини муддатидан олдин топширишлари мумкин.

44. Гуруҳ назоратчилари абитуриентлардан тест топшириқлари китоби ва жавоблар варақасига шикаст етмаганлигини текшириб қабул қилиб олади.

Барча жавоблар варақалари, шу жумладан, тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар варақалари, “яроқсиз” деб топилган тест топшириқлари китобини, абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг иккинчи нусхасини жавоблар варақаси пакетга солиниб, пакет муҳрланади.

Ишлатилган ва ишлатилмаган тест топшириқлари китоблари тест материаллари қутисига жойлаштирилади.

45. Гуруҳ назоратчиси тест синовлари учун белгиланган вақт тугагандан сўнг 20 дақиқа ичида жавоблар варақаси пакети, тест топшириқлари китоби қутиси гуруҳларда муҳрланишини назорат қилиш ҳамда гуруҳ назоратчиларидан муҳрланган жавоблар варақаси пакети ва тест материаллари қутиларини бино раҳбарига топширади, бино раҳбари эса топшириш вақтини қайд этиб, тегишли реестрга имзо қўяди.

46. Бино раҳбари абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхати солинган ва муҳрланган пакетни, тест материаллари ҳамда бино бўйича тўпланган жавоб варақалари пакетлари солинган ва муҳрланган қутиларни Давлат тест маркази вакилига (Давлат фельдъегерлик хизматига) топширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисида низомга
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумларига хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш
ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда – Адлия вазирлиги) юридик техникумларига (кейинги ўринларда – юридик техникум) хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Хорижий фуқароларни (хорижий давлат фуқароси бўлган жисмоний шахсни, шунингдек хорижий давлат ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларни) юридик техникумга ўқишга қабул қилиш юридик техникумлар томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган суҳбат натижаси бўйича амалга оширилади.

Суҳбат 25–30 август кунлари ўтказилади. Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги томонидан суҳбат ўтказиш муддатига ўзгартириш киритилиши мумкин.

3. Суҳбат юқори даражада очиқлик ва шаффофликни ҳамда имтиҳон жараёни видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари томонидан реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган хоналарда ўтказилади.

Хоналарни тайёрлаш, танлов жараёнини видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг онлайн тарзда кузатиб боришлари учун шароит яратиш учун жавобгарлик қабул комиссияси зиммасига юкланади.

4. Хорижий фуқароларни юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш қабул параметрларидан ташқари, тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

5. Адлия вазирлигининг хорижий фуқароларни юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарори, қоида тариқасида, 2 сентябрдан кечикмасдан қабул қилинади.

6. Адлия вазирлиги томонидан хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин юридик техникум билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида белгиланган тартибда шартнома (контракт) тузилади.

Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари Адлия вазирлигининг қарори эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик техникум директори ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ҳолда (юридик шахслар учун 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада) расмийлаштирилади.

7. Хорижий фуқаролар ўқиш учун тўловни ҳар йили шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширади. Тўлов-контракт асосида ўқиш миқдори Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

8. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўқиш учун шартномада белгиланган пул маблағларини 15 сентябрдан кечиктирмай тўлангандан сўнг юридик техникум директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Адлия вазирлиги томонидан юридик техникумларнинг таклифларига биноан, хорижий фуқароларни контракт асосида ўқишга ҳақ тўлаш муддатлари ўзгартирилиши, шу жумладан узайтирилиши мумкин.

Хорижий фуқароларга ўқув йили бошидан ўқув машғулотларига қатнашишга рухсат бериш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади.

Юридик техникумларнинг асослангилган таклифлари асосида хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш ва тўлов-контракт суммасини тўлаш муддатлари Адлия вазирлиги томонидан ўзгартирилиши, шу жумладан узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юримдик техникумларига ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик
техникумларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш
ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юримдик техникумларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Кўзи ожизлар тоифасига қуйидаги абитуриентлар киради:

махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган умумий ўрта таълим (11-синф негизида) аттестатига эга шахслар;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга шахслар;

9 йиллик кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ўқиган ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари дипломига эга бўлган шахслар;

умумий ўрта таълим (11-синф негизида) хужжати ёки ўрта махсус касб хунар таълими муассасаси дипломига эга бўлган, белгиланган тартибда I гуруҳ ногиронлиги тўғрисида берилган маълумотномага эга бўлган шахслар.

3. Кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш учун танлов тест синовлари учун белгиланган фанлар бўйича кўп балли ёхуд анъанавий беш балли тизим асосида ўтказилади.

4. Фанлар бўйича кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли (ёзма ёки оғзаки) Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда қабул комиссияси томонидан белгиланади.

5. Кўзи ожизлар учун тест синовлари саволлари қабул комиссияси томонидан тест саволларининг тегишли фанлари бўйича малакали мутахассислардан иборат бўлган ва уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда шакллантириладиган эксперт гуруҳи томонидан тузилади. Эксперт гуруҳи фаолиятини қабул комиссияси раиси бошқаради.

6. Кўзи ожиз абитуриентларга доимий ёрдам бериш учун қабул комиссияси томонидан масъул ходим ажратилади.

7. Танловни ўтказиш жадвали масъул котибнинг такдимномаси асосида юримдик техникум директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Буйруққа танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга абитуриентлар рўйхати илова қилинади.

8. Қабул комиссияси томонидан танловни ўтказиш учун фанлар бўйича комиссиялар ташкил этилади.

9. Фанлар бўйича танлов дастурлари умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта махсус, бошланғич профессионал таълим дастурлари умумтаълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ҳолда тузилади ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

10. Танловни ўтказувчи комиссия таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг вакили киритилади.

11. Танлов 25–30 август кунлари юқори даражада очиклик ва шаффофликни ҳамда имтиҳон жараёни видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари томонидан реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган юридик техникумнинг хоналарида ўтказилади.

Хоналарни тайёрлаш, танлов жараёнини видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг онлайн тарзда кузатиб боришлари учун шароит яратиш учун жавобгарлик қабул комиссияси зиммасига юкланади.

Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги томонидан юридик техникумларнинг таклифига кўра, мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган танлов ўтказиш муддатига ўзгартириш киритилиши мумкин.

12. Тест синовлари блокига киритилган барча фанлар йиғиндисидан белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл (беш балли баҳолаш тизимида баҳоланганда – “3” баҳодан пастни) тўплаган, шунингдек белгиланган вақтда танловга келмаган кўзи ожиз абитуриентлар юридик техникумларга қабул қилинмайди.

13. Юридик техникумларга қабул қилиш учун кўзи ожизлар учун танловни қайта ўтказиш тақиқланади.

Танловга белгиланган вақтда етиб келмаган кўзи ожиз абитуриентлар учун қўшимча танлов ўтказилмайди.

14. Танлов натижалари ҳар бир фан бўйича комиссия томонидан қайдномага киритилади ва шу асосида танловнинг умумий баллари чиқарилади.

15. Қайдномада кўзи ожиз абитуриентлар рўйхати ҳар бир мутахассислик ва касб бўйича кўп балли ёхуд тегишли анъанавий беш балли тизим асосида тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибда жойлаштирилади.

16. Танлов натижалари кўзи ожиз абитуриентларга танлов ўтказилган куни эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 30 ОКТЯБР даги
677_-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – Марказ), Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) расмий веб-сайти орқали абитуриентларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига (кейинги ўринларда – юридик техникумлар) ўқишга қабул қилиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар, Давлат тест маркази ва юридик техникумлар ўртасида маълумот алмашиш фақат электрон рақамли имзолар (кейинги ўринларда – ЭРИ)ни қўлланиши шарт бўлган ҳолда идоралараро электрон алоқа орқали амалга оширилади.

3. Абитуриентлар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъий назар, исталган Марказга мурожаат қилишлари мумкин.

Абитуриентлар доимий рўйхатдан ўтган жойдаги тест синовларида қатнашадилар.

4. Давлат хизматлари абитуриентларга ҳар йили, қоида тариқасида, 1 августдан 20 август (шү куни ҳам)гача кўрсатилади.

5. Давлат хизматларини кўрсатиш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

6. Давлат хизматларини олиш учун мурожаат этувчи ушбу Регламентнинг 4-бандида кўрсатилган муддатда давлат хизматларини электрон кўринишда олиш учун Марказга мурожаат қилади ёки ЯИДХП ёхуд Давлат тест маркази расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтади.

Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ва паспорт ёшига етмаганлар давлат хизматларидан фойдаланиш учун Марказларга мурожаат этади.

7. Агар ариза берувчи шахсан мурожаат қилса, Марказ ходими аризачининг номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда,

абитуриент мустақил равишда электрон шаклда маълумотни ушбу Регламентнинг 2-илоvasида кўрсатилган сўровнома шаклида Давлат тест марказининг махсус тизимига киритади.

Марказ ходими томонидан сўровномада тегишли маълумотларни киритиш учун ариза берувчи Марказ ходимига қуйидаги ҳужжатларнинг аслини тақдим этади:

фуқаролик паспорти (ички ишлар органи томонидан 09 шакли бўйича, шахнинг шахсий идентификация рақамини, паспорт серия ва рақамини кўрсатувчи маълумотнома);

паспорт ёшига етмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

умумий таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар ва бошланғич профессионал таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат (илова билан). Агар абитуриент ҳужжатларни топшириш муддатида таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатни олмаган бўлса, у ҳужжатнинг асли ва нусхасини танлов ўтказиш кунига қадар ҳужжат аслини тақдим этиш шарти билан тегишли таълим муассасаси томонидан берилган ҳамда унинг расмий муҳри билан тасдиқланган расмий маълумотномани тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Ҳужжатларни топшириш муддати тугаганидан кейин сўровномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман этилади.

Абитуриентдан қўшимча ҳужжатларни сўраш ман этилади.

7. Давлат тест маркази Давлат хизматлари агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда, имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг электрон реестрини шакллантириш учун ваколатли органлар томонидан реал вақт режимида киритиб борилишини таъминловчи ягона платформа фаолият юритилишини таъминлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг реестрини шакллантириш бўйича масъул бўлган мазкур Низомга 3-иловада келтирилган ваколатли органлар имтиёзга эга абитуриентлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон реестрини шакллантириб, ягона платформага доимий равишда маълумотлар киритиб борилишини таъминлайди.

Ушбу ваколатли органлар имтиёзлар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ киритиб борилиши учун шахсан масъул ҳисобланади ҳамда ахборот тизимига киритилмаган маълумотлар

бўйича давлат хизматлари марказлари томонидан имтиёзли ҳуқуқ асосида абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмайди.

9. Керакли маълумотларни тўлдириб, сўровномага киритилгандан сўнг Марказ ходими ҳужжатларнинг асл нусхасини аризага қайтаради, QR-код (матрицали штрих код) билан икки нусхада аризани босиб чиқаради ва уларни аризага топширади. Абитуриент маълумотларнинг тўғрилигини текширади, анкетани ўз имзоси билан тасдиқлайди, битта нусхасини ўзига қолдиради ва иккинчи нусхасини Марказ ходимига топширади.

Сўровнома абитуриентнинг имзоси билан тасдиқланганидан сўнг автоматик равишда Марказ тизимига Марказ ходимининг ЭРИ билан киритилади.

Давлат тест маркази маълумотлар базасига киритилган маълумотларни автоматик равишда қабул қилади.

10. Давлат хизматлари амалга оширилганлиги учун ҳақ олинмайди.

11. Сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши, абитуриентнинг Марказга шахсан мурожаат этишдан бош тортиши давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бошқа сабабларга кўра давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш тақиқланади.

12. Абитуриент ҳар қандай босқичда давлат хизматларини олишдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Агар абитуриент давлат хизматларини олишдан воз кечса, унинг ҳужжатлари кўрмасдан қолдирилади.

13. Рўйхатдан ўтиш ЯИДХП ёки Давлат тест марказининг веб-сайти орқали амалга оширилганда мазкур Регламентнинг 7-банди учинчи–олтинчи хатбошиларида келтирилган маълумотлар абитуриент томонидан мустақил равишда электрон шаклда юкланади, маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун абитуриент шахсан жавобгар ҳисобланади.

14. Рўйхатдан ўтишда тегишли маълумотлар расмийлаштириб тизимга киритилганидан сўнг ЯИДХП ёки Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали электрон равишда QR-код (матрицали штрих код) кўйилган сўровномани абитуриент электрон шаклда олади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Кўзи ожиз абитуриентлар учун танлов Давлат тест маркази тизимига киритилган сўровнома маълумотлари асосида ўтказилади.

16. Юридик техникумга тест синовлари, кўзи ожиз абитуриентлар учун танлов натижалари асосида қабул қилинганда, шунингдек ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей битирувчилари учун танлов натижалари бўйича қабул қилинган тақдирда, ушбу абитуриентлар ўқув йили бошланишидан олдин тегишли юридик техникумга ушбу Регламентнинг 7-банди учинчи–олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини, шунингдек 3,5 x 4,5 см ўлчамли 6 дона рангли фотосурат топширадилар.

17. Марказлар, Давлат тест маркази ва юридик техникумлар ўз фаолияти натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва марказлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти Регламент талабларига мувофиқлиги юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг олиб боради.

19. Абитуриентлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

20. Ушбу Регламентни қўллаш билан боғлиқ низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Ушбу Регламент талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига
ўқишга қабул қилишни ташкил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Абитуриент	Юридик техникумга кириш ҳужжатларини қабул қилиш учун абитуриент Давлат хизматлари марказига шахсан келади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Давлат тест маркази веб-сайтида рўйхатдан ўтади.	1 – 20 август кунлари
2-босқич	Давлат хизматлари маркази Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Давлат хизматлари марказининг ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки Давлат тест маркази веб-сайти орқали мурожаат қилинган тақдирда, абитуриент электрон шаклда сўровнома бўйича маълумотни Давлат тест марказида шакллантирилган абитуриентнинг махсус тест маълумотлар базасига мустақил равишда киритади.	10 дақиқа давомида автоматик равишда
3-босқич	Давлат тест маркази	1. Абитуриентларнинг маълумотлар базасига киритилган маълумотларни қабул қилади. 2. Абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг тест синовлари жадвалига мувофиқ расмий веб-сайтида тест синовларининг вақти ва жойи тўғрисида маълумот жойлаштирилади. 3. Абитуриентлар маълумотлар базасига киритилган маълумотлар асосида тест синовларини ўтказди.	автоматик равишда ҳужжатлари қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 30 августга кадар
4-босқич	Абитуриент	Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган тақдирда керакли ҳужжатларини асл нусхаларини тегишли юридик техникумларга тақдим этади	Ўқув йилининг 2 сентябрига кадар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат
хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

(Сана)

(Т/р)

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларига
кириш учун ҳужжатларни топшириш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар:	
1.1. Ф.И.О:	
1.2. Паспорт маълумотлари (рақами ва серияси) (мавжуд бўлмаган тақдирда, ички ишлар органлари томонидан 09 шакл бўйича берилган маълумот):	
1.3. Паспорт олиш ёшига етмаган шахсларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси:	
1.4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (агар мавжуд бўлса):	
1.5. Манзили:	
1.6. Фуқаролиги:	
1.7. Миллати:	
1.8. Телефон рақами:	
1.9. Электрон почта манзили:	
II. Қўшимча маълумотлар:	
2.1. Умумий ўрта (11-синф база бўйича), ўрта махсус, касб-ҳунар ёки бошланғич профессионал таълим муассасаси номи, ушбу муассаса томонидан берилган ўқишни тамомлаганлик ҳақида ҳужжатнинг серияси, рақами ва санаси:	
2.2. Тест ўтказиладиган тил:	
2.3. Юридик техникум номи:	
2.4. Юридик техникумдаги мутахассислик ва касб номи:	
2.5. Таълим шакли:	

III. Имтиёз борлиги ҳақидаги маълумотлар (мавжуд бўлса)		Тегишли хужжатнинг реквизитлари (рақами, берилган санаси)
3.1.	I гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз бўлган шахслар	
3.2.	Кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар	
3.3.	“Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари	
3.4.	ТДЮУ қошидаги академик лицей битирувчилари (ўзлаштириш кўрсаткичининг 55 ва ундан юқори фоизига эга эканлиги ҳақидаги маълумотнома)	
3.5.	Чет тилини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга эга бўлган абитуриентлар	
IV. Абитуриентни хабардор қилиш тартиби		
4.1.	Имтиҳондан ўтиш учун рўйхатдан ўтказиш ҳақида абитуриентга СМС хабар юбориш (телефон рақами)	
4.2.	Имтиҳон ўтказиш куни, вақти ва жойи ҳақида Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали маълум қилиш.	

Ушбу анкетада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқ, аниқ ва тўғрилигини тасдиқлайман.

Ариза
берувчининг
имзоси

*Изоҳ. Барча маълумотлар абитуриент хужжатларининг асл нусхасидан тўлдирилади.
Абитуриент томонидан топширилган хужжатларнинг қалбақчилиги ёки сохталлиги аниқланса, у ҳолда абитуриент тест синовларидан (юримдик техникумдан) четлаштирилади, тақдим этилган хужжатлар белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли чора кўриш учун юборилади.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий
регламентига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга
учун имтиёзга эга бўлган абитуриентлар тоифаси ҳамда уларнинг реестрини
шакллантириш учун масъул бўлган ваколатли органлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Имтиёзлар турлари (тоифалари)	Имтиёзларни бериш учун масъул ваколатли органлар
1.	I гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз абитуриентлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	“Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Кам таъминланган оилалар аъзолари	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
7.	Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей битирувчилари (ўзлаштириш кўрсаткичининг 55 ва ундан юқори фоизига эга эканлиги ҳақидаги маълумотнома)	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети
9.	Чет тилини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга ва халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар	Давлат тест маркази

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига критиқлаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 15-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Тошкент давлат юридик университети ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни сотишдан тушган маблағлар университет ва юридик техникумларнинг ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварақларида 100 фоиз қолади ва улар томонидан мустақил равишда тасарруф қилинади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошисидаги “коллежлари” сўзи “техникумлари” сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда):

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“Тошкент давлат юридик университети, юридик техникумлар ва Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейнинг мол-мулкани ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади”;

бешинчи – саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) илованинг 23-бандида:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“Тошкент давлат юридик университети, юридик техникумлар ва Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейнинг мол-мулкани ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо

майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлик ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади”;

бешинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи – ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент давлат юридик университетларида ўқув юктамасининг ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 23 декабрдаги 337-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 691-модда) киритилаётган ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилган.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 йил, 10-сон, 90-модда):

а) 1-иловада:

41-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш, қонун лойиҳалари матнларини ва уларга таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали, органнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан, шунингдек, бошқа усуллар билан фуқаролар, манфаатдор давлат органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари, илмий, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар, экспертлар иштирокида ўтказилади”;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“44. Қонун лойиҳаси ишлаб чиқувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун белгиланган тартибда жойлаштирилиши лозим”;

45-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

46-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириладиган қонун лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир”;

47-банддан “жамоатчилик ва (ёки)” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

14-банднинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонун лойиҳаси мутахассислар муҳокамасининг ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот”;

17-бандга қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган қонун лойиҳаси бўйича фуқаролар таклифларини (изоҳлари) кўриб чиқиш якуни бўйича жадвал”;

олтинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент юридик коллежида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 ноябрдаги 901-сон қарори 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги 573-сон қарорида:

а) номидаги “коллежлари” ва “Низомни” сўзлари тегишлича “техникумлари” ва “низомни” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги “2020/2021” ва “коллежлари” сўзлари тегишлича “2021/2022” ва “техникумлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2 ва 3-бандлардаги “коллежлари” сўзи “техникумлари” сўзи билан алмаштирилсин;

г) илованинг номидаги, 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошисидаги “коллежлари” сўзи “техникумлари” сўзи билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

учинчи хатбошидан “даражасида юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги”) сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги (профессионал таълими даражасида юриспруденция соҳасида ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги)”;

е) 8, 10 ва 11-бандлардаги “коллежлар” сўзи “техникумлар” сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 12-14, 16-19 ва 69-бандлардаги “коллеж” сўзи “техникум” сўзи билан алмаштирилсин;

з) 15-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Йўлланма бериш масаласи кўриб чиқиладиганда, махсус комиссия куйидаги асосий минимал талабларни ҳисобга олади:

а) юридик техникум битирувчисининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилиши керак;

б) битирувчининг чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи куйидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга эканлиги:

инглиз тили учун – миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5,5 (бунда writing модулидан 5,5 балл), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE ва CAE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун – миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун – миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD II) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун – миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DEL F), Test de Connaissance du Français (TCF4) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун – миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

в) юридик техникум битирувчисининг юридик техникум ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки (маънавий-маърифий ва жамоат ишлари, лойиҳалар ва танловларда иштирок этиши ва бошқалар);

г) юридик техникум битирувчисининг юридик техникумда ўрнатилган ички тартиб қоидалар, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ва намунали хулқ-атворга эгаллиги.

Мазкур бандда кўрсатилган асосий минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда, битирувчининг юридик техникумдаги бутун ўқиш даври ҳисобга олинади.”;

и) 28-бандга куйидаги мазмундаги хатбошилари қўшилсин:

“Объектив сабабларга кўра ушбу муддатларда суҳбат ўтказиш имконияти бўлмаса, ТДЮУ яқка тартибдаги суҳбат ўтказиш муддатини ўзгартириши мумкин. Бунда абитуриентлар белгиланган муддатдан камида бир ҳафта олдин хабардор қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат комиссия қарорига асосан онлайн тарзда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ўтказилиши мумкин”;

к) 37-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

л) 44-бандда “абитуриентлар” сўзаридан кейин “қабул комиссиясига” сўзлари қўшилсин;

м) қуйидаги мазмундаги 47¹ ва 47²-бандлар қўшилсин:

“47¹. Якка тартибдаги суҳбат асосида ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар уларнинг ёзма мурожаатига биноан (15 сентябргача) қўшимча равишда ТДЮУга ўқишнинг биринчи йили учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ТДЮУнинг моддий-техник базаси имкониятларидан келиб чиқиб, қабул қилиниши мумкин (1 октябргача).

Бунда, табақалаштирилган тўлов контракт миқдори амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдorigа нисбатан 2 баробар этиб белгиланади.

47². Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ТДЮУ томонидан қабул қилинган абитуриентлар учун тўловлар, ҳар йили шартнома шартларида белгиланган вақтда, аммо ТДЮУ томонидан белгиланган муддатдан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш ТДЮУ ректорининг буйруғи билан жисмоний ёки юридик шахслар шартномада кўрсатилган пул миқдорини 10 октябрдан кечиктирмай тўлагандан кейин амалга оширилади.

Ушбу абитуриентларга шартнома тузилган кундан бошлаб ўқув машғулотларига катнашишга рухсат бериш тўғрисида буйруқ чиқарилади”;

н) 1-илованинг номи ва схема номидаги, 2-илованинг номидаги, 4–6-иловалар номидаги “коллежлари” сўзи “техникумлари” сўзи билан алмаштирилсин;

о) 3-илова (Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига махсус уч йиллик дастур бўйича ўқишга қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатда абитуриентлар жавобини баҳолаш варақаси)нинг “Суҳбат мезонлари” графаси 4-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларида ўқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 октябрдаги 858-сон қарорида:

а) номидаги “коллежларида” сўзи “техникумларида” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги “коллеж” ва “коллежлар” сўзлари тегишли равишда “техникум” ва “техникумлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “коллежларнинг” сўзи “техникумларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги “коллежларнинг” сўзи “техникумларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

д) 4-бандда:

“а” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “коллежларда” сўзи “техникумларда” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “коллежларни” сўзи “техникумларни” сўзи билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “коллежлар” сўзи “техникумлар” сўзи билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

биринчи–учинчи хатбошилардаги “коллежлар” сўзи “техникумлар” сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “коллежларда” сўзи “техникумларда” сўзи билан алмаштирилсин;

е) 5-банддаги “коллежларда” сўзи “техникумларда” сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 7–9-бандлардаги “коллежларга” сўзи “техникумларга” сўзи билан алмаштирилсин;

и) 10-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Белгилансинки:

ТДЮУнинг юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш бўйича фаолиятни ташкил этадиган таркибий бўлинмаси ходимларининг штатдаги чекланган сони Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ТДЮУ намунавий штатлари билан аниқланади;

ТДЮУ мазкур таркибий бўлинмаси бошлигининг лавозим маоши олий таълим муассасаси деканининг базавий лавозим маошига, унинг ўринбосари лавозим маоши – олий таълим муассасаси декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштирилади;

автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар юридик техникумларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Юридик техникумлар ва ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш бўйича фалиятни ташкил этадиган ТДЮУ таркибий бўлинмаси штат бирликларининг сони кўпайтирилиши билан ҳамда мазкур таркибий бўлинма бошлиғининг лавозим маоши олий таълим муассасаси деканининг базавий лавозим маошига, унинг ўринбосари лавозим маоши – олий таълим муассасаси декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштириш билан боғлиқ харажатлар ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.”;

к) 11 ва 12-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида юридик техникумларда кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган ўқувчилар, “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари, I гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз шахслар таълим олиши билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида юридик техникумларинг бошқарув, педагог, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига устама ҳақлари ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини юридик техникумларнинг тўлов-контрактдан келиб тушган маблағлари (шу жумладан, табақалаштирилган контракт) ҳисобидан ҳамда Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Юридик техникумлар ходимларига ҳар ойлик устамаларни белгилаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрнатилади.”;

л) 13-банддаги “коллежларда” сўзи “коллежларда ва техникумларда” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 йил, 3-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентида:

а) 30-бандда:

куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Вазирлар Маҳкамасига (кўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида

тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 38-бандда:

куйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган ҳужжат лойиҳаси бўйича фуқаролар таклифларини (изоҳлари) кўриб чиқиш якуни бўйича жадвал”;

ўнинчи – ўн биринчи хатбошилар тегишлича ўн биринчи – ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидаги “учинчи – тўққизинчи” сўзлари “учинчи – ўнинчи” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 89-бандда:

куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган қонун лойиҳаси бўйича фуқаролар таклифларини (изоҳлари) кўриб чиқиш якуни бўйича жадвал”;

бешинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 3-илованинг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 майдаги 392-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2019 й., 20-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари педагог кадрларига нисбатан татбиқ этилмайди”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 171-сон “Ал-Хоразмий номидаги Халқаро физика ва математика мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 январга қадар халқаро мактабнинг раҳбар ва бошқа кадрларини аттестациядан ўтказсин ҳамда танлов асосида халқаро мактабни

замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак малака ва юқори профессионал тайёргарликка эга бошқарув ва бошқа кадрлар билан тўлдиришни таъминласин;

бир ой муддатда халқаро мактабни раҳбар ва бошқа кадрларини аттестациядан ўтказиш ҳамда ходимларни танлов асосида халқаро мактабга ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин”.